

БОЙСУН. ДЕНОВ, ШЕРОБОД БЕКЛИКЛАРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ- XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА)

Холмунинов Хусан Эшмўминович

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири,

тарих фанлари доктори (DSc), доцент

xusan_75xolmuminov@mail.ru

UO'K: 910.4 (091):94.(584.4)

<https://orcid.org/0009-0003-6634-6020>

Аннотация: Ушбу мақолада Бойсун, Денов, Шеробод бекликлари аҳолисининг демографик жараёнлари ҳамда ижтимоий турмуш тарзидаги мавжуд ҳолатлар таҳлили баён этилади. Яъни, бу даврдаги амирлик ҳудудидаги нотинч вазият ҳамда ўзаро ички низолар туфайли мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлиги, шунингдек, марказлашган давлат бошқарувининг мавжуд эмаслиги, халқ оммаси турмуш даражасининг оғирлашувига, ҳамда аҳоли демографик жараёнларига салбий таъсир кўрсатганлиги асосланди.

Калит сўзлар: Шеробод, Денов, Бойсун бекликлари, демографик жараёнлар, аҳоли миграцияси, амлокликлар, бошқарув тартиблари, мансаблар.

Аннотация: В данной статье анализируются демографические процессы и состояние социального образа жизни населения бекств Бойсун, Денов и Шерабад. В частности, обосновывается, что нестабильная обстановка и внутренние междоусобицы на территории эмирата в рассматриваемый период оказали негативное влияние на политическое и экономическое положение страны. Кроме того, отсутствие централизованной системы государственного управления привело к ухудшению уровня жизни широких народных масс и оказало отрицательное воздействие на демографические процессы населения.

Ключевые слова: бекства Шерабад, Денов, Бойсун, демографические процессы, миграция населения, амлоки (государственные земли), системы управления, должности.

Abstract: This article analyzes the demographic processes and the state of the

social way of life of the population of the Boysun, Denov, and Sherabad beklirks. In particular, it substantiates that the unstable situation and internal conflicts within the territory of the Emirate during the period under study had a negative impact on the political and economic condition of the country. Furthermore, the absence of a centralized system of state governance led to the deterioration of the living standards of the general population and had an adverse effect on demographic processes.

Keywords: Boysun, Denov, and Sherabad beklirks; demographic processes; population migration; amlok (state-owned lands); administrative systems; positions.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/INTRODUCTION). XIX асрнинг иккинчи ярми- XX асрнинг бошларида жанубий воҳалар бекликларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзига хос тарзда кечган. Жумладан бу даврдаги ички низолар, хонликларнинг истилочилик юришлари мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатган[1]. Марказлашган давлат бошқарувининг мавжуд эмаслиги, барча соҳалар каби аҳоли ижтимоий турмуш тарзига ҳамда демографик жараёнларга ҳам ўзига хос тарзда таъсир кўрсатган. Мамлакатда ҳукмрон табақа вакилларининг олиб борган бир томонлама сиёсати халқ оммасининг турмуш даражаси оғирлашувига, ижтимоий жараёнларнинг издан чиқишига ҳамда аҳоли демографик жараёнларига ўз таъсирини кўрсатди. Шунингдек, бу даврда қўшни мамлакатлар зўравонлиги ва талончилиги ҳамда турли табиий офатларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий жараёнларига ва ўз навбатида

аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатган эди[2].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). XIX аср охирида XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихи ва маданияти, давлат бошқаруви, хўжалиги ҳамда урбанизация жараёнлари ўзаро маданий алоқалари ҳамда демографик жараёнлар тарихи масалалари анча эътибор қаратилиб ёритиб ўтилган. Аммо бу тадқиқотларда биз ўрганаётган давр Бухоро амирлиги жанубий воҳаларидаги тарихий демографик жараёнлари статистик таҳлиллар асосида алоҳида тадқиқот объекти сифатида тўлиқ тарзда ўрганилмаган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг демографик жараёнлар, урбанизация ҳамда миграция масалалари, манзилгоҳлар жойлашуви, аҳоли сони миллий таркиби ва ижтимоий ҳолатларини илмий татбиқ этиш жуда муҳим масалалардан бири саналади. Жанубий воҳалар бекликлари ҳамда ундаги шаҳарлар нафақат бошқарув тизимида балки, бутун амирликнинг сиёсий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган[3].

Бу даврда хонликлар томонидан жанубий ҳудудларни эгаллаш мақсадида бир неча бор юришлар олиб борилган[4]. Жумладан Термиз ҳақиқатан ҳам Бухоро хонлигининг муҳим стратегик мустаҳкам қалъага эга шаҳарларидан бири бўлиб, бир томондан Амударёнинг кенг қирғоқлари[5], иккинчидан томондан бўйсунмас ва исёнкор қўнғирот уруғининг турли қабилалари уни янада кучли ҳимоя қилар эди[6]. Ана шундай мустаҳкам қалъани эгаллаш орқали Убайдуллахон ўзининг ҳукмронлиги даврида (1702 – 1711 йиллар) икки мақсадни амалга оширишни кўзлаганди. Биринчидан, Балх йўлидаги мустаҳкам қалъага эгалик қилиш, иккинчидан, бўйсунмас ва исёнкор қўнғиротлар ҳукмдори Шералини ҳокимиятдан четлатиш. Мазкур сабаблар туфайли Термизга ҳарбий юриш амалга оширилиб, қўнғиротлардан бўлган шаҳар ҳокими вазифасидан олинди, найман уруғидан Неъматуллабий мазкур вазифага тайинланди[7]. Ушбу сиёсий воқеяликлар даврида Шералихон Шеробод шаҳрига асос солди. Жанубий воҳалар бекликлари

ҳудудида жойлашган Шеробод кейинчалик амирликнинг энг муҳим ўрин тутувчи шаҳарларидан бирига айланди[8].

Тадқиқ этилаётган даврда Бойсун, Шеробод, Денов, бекликлари жанубий воҳаларда жойлашган энг йирик бекликлардан ҳисобланган[9]. XX аср бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудлари Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни, Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради. Бухоро шимол тарафдан Қизилкум саҳроси билан, ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Қўқанд хонлиги билан, жанубда эса Афғонистон, Шарқда туркман ўлкаси ҳамда Хива дашти билан чегарадош бўлганлиги қайд этилган[10].

Демографик жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жанубий ҳудудлар аҳолиси бу давр асосан ўтроқ ва қўчманчи ҳаёт кечириб, XX бошларига келиб, чорвадор аҳолининг кўпроқ ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёни янада жадаллашди. Бу омиллар натижасида жанубий воҳаларда аста-секинлик билан маъмурий марказлар ҳисобланган шаҳарларда аҳоли сонининг ортиши билан изоҳланади. XIX аср охири - XX аср бошларида жанубий воҳалардаги катта шаҳарлар сони бир неча ўндан ортиқ бўлиб, булардан Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Термиз, Юрчи, Денов, Сарижўй, Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда аҳоли сони муттасил ортиб борган. Жумладан маълумотларга кўра Қарши шаҳри аҳолиси 1897 йилларда 15198 кишини ташкил этган бўлса[11], 1926 йилга келиб 37587 кишига ортганлигини кўришимиз мумкин[12].

Ўзбекистонда ўтказилган аҳоли рўйхатига олиш маълумотларидан маълумки қарийб бир асрлик тарих мобайнида мамлакатимиз аҳолиси сони аста-секинлик билан ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса аҳоли сонининг муттасил тарзда ортиб бориши XX аср нинг 70 йилларида энг юқори даражада қайд қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бундай омилларга албатта ушбу даврда аҳоли сонини ошириш бўйича ҳукумат томонидан олиб борилган ижтимоий сиёсатнинг натижалари асосида шундай

ҳолатлар юз берган эди.

XIX аср охири - XX аср бошларида жанубий воҳалар бекликларида аҳоли хўжаликлари ва уларда истиқомат қилаётган аҳоли сони ҳам ўзгариб турган. Бу ҳолатлар шу билан изоҳланадики. Бу даврда жанубий воҳаларда бекликларга тегишли

амлоқликларнинг ҳудудий жойлашуви, шунингдек географик жойлашувлари бу ҳолатда муҳим ўрин тутган.

XIX аср ўрталарида Бойсун, Денов, Шеробод бекликлари аҳоли хўжаликлари ва сони (2-жадвал)[13].

Жадвал 2

Бекликлар	Амлоқликлар	Хўжаликлари	Аҳоли сони
Бойсун	Бойсун,	2000	6250
	Пошхўрд,	700	2464
	Дарбанд,	2500	7044
	Жомчи (Яумчи)	400	1242
	Жами	5600	17000
Денов	Сина	1130	5650
	.Қарлук,	610	3050
	Пўстиндара,	365	1775
	Хидиршо	485	2425
	.Дўрмон	295	1475
	Гардикўрғон	325	1475
	Жами	4595	25525
Шеробод	Таллашқон	2800	11200
	Саидобод	3300	9726
	Таллимарон	2600	10400
	Гидамбод	3000	12600
	Жарқўрғон	2000	9200
	Солиҳобод	300	1440
	Жами	14000	54566

XIX аср охири - XX аср бошларида Сурхон воҳаси ҳудудларида жойлашган бекликларга тегишли бўлган амлоқликлар сони ҳам ўзгариб турган. Жумладан 1868 йилдан бошлаб Бойсун алоҳида мустақил беклик сифатида қайд этилади[14]. Бекликларга тегишли ҳудудларнинг кенгайиши амир олдида кўрсатган хизмати ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. 1868 йилда Бойсун беги Муҳаммад Юсуф тортулига амирга қарши исёнларни бостиришдаги алоҳида хизматлари учун ҳудуддан узоқда жойлашган бўлса-да, Зарабоғ, Бузравот, Пошхўрд ва Какайди амлоқлари ҳам қўшиб берилган. Бу даврда Бойсун беклиги Бойсун, Яумчи, Работ, Дарбанд, Сайроб, Хатак, Зарабоғ, Пошхўрд, Бузравот, Какайди амлоқликларидан иборат эди[15].

Бойсун беклигига қарашли Хатак

амлоқдорлигида Тангидевон, Чорвоқ, Бедак, Хўжанқон, Зараутсой, Ёриқсой, Чинор, Калапўшқия сингари қишлоқлардан иборат бўлган[16]. Дастлаб бу қишлоқларнинг маркази Боғлидара эди. Шундан кейин аҳолининг асосий қисми Чорвоқ қишлоғига кўчиб ўтади, бора-бора бу жой Хатак деб юритила бошлайди. Аҳолининг боғ-роғларига айлантирилган Марказий Хатак кўрғони эса, Боғлидара номини олади.

Шеробод беклиги ҳудуди ва аҳолисининг сони жиҳатидан Сурхон воҳасидаги бекликлар орасида ўзига хос ўринга эга бўлган. Беклик ҳудудида жойлашган Таллашқон амлоқлигида 2800 та аҳоли хўжаликлари истиқомат қилган бўлса, Саидободда 3300, Таллимаронда 2600, Гидамбодда 3000, Жарқўрғонда 2000, Солиҳободда 300 та аҳоли хўжаликлари истиқомат қилганлигини манбаларда қайд

этилган. Аҳоли ҳўжаликларининг Шеробод беклиги географик ҳудудий жойлашуви жанубда Амударёнинг Қоракамар кечуvidан Паттакесаргача (Шеробод беклигида тўртта кечув бўлган: Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар ва Қоракамар), шунингдек, шарқда Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи, шимоли-ғарбда эса Истара ариғидан Таллашқон ва Хўжанқо тоғ этакларигача бўлган ҳудудларни эгаллаганлигини кўришимиз мумкин[16].

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Юрчи беклиги тугатилиб, Денов беклиги таркибига қўшиб юборилди. XIX аср охирига келиб, Денов беклигида амлоқликлар таркибига Сангардак, Пошор, Чамбулоқ, Ўртақўри, Юрчи, Сина, Қорлик, Пўстиндара, Хидиршо, Дўрмон, Гардикўрғон бекликлари ҳам кирган эди[17].

Бойсун беклигига тегишли тўртта амлоқдорлигига тегишли қишлоқлар аҳоли манзилгоҳлари катта кичиклигига қараб қуйидагича ҳолатда бўлган. Бойсун амлоқдорлигида 10 та қишлоқлардан иборат бўлиб, буларга Шайит, Газа, Пойгабоши, Шўрсой, Работ, Инқобод, Қорабўйин, Пасурхи, Сариосиё, Авлод қишлоқларидан иборат бўлган. Бу қишлоқларда мавжуд аҳоли сони ва уларнинг ижтимоий ҳолати ҳам турлича ҳолатда бўлган. Жумладан Газа, пойгабоши, Работ қишлоқлари беклик маъмурий марказига яқин бўлганлиги ушбу қишлоқлар аҳолиси сони ҳамда миллий таркиби бошқа қишлоқларга қараганда юқорироқ бўлганлигини кўришимиз мумкин. Авлод, Сариосиё қишлоқлари аҳолиси миллий таркибида маҳаллий аҳоли (тожик миллатига) вакиллари аҳолининг асосий қисмини ташкил этган[18]. Шунингдек, Пошхўрд амлоқдорлиги қуйидаги қишлоқлардан иборат бўлган: Сайроб, Панжоб, Хатак, Лайлагон, Заробоғ, Қорабоғ, Вандоб, Шержон, Чакоб, Пошхурд. Ушбу қишлоқлар асосан Кўҳитанг тоғ тизмаси бўйлаб жойлашган бўлиб, аҳоли асосий машғулоти чорвачилик ҳамда лалми деҳқончиликдан иборат бўлган. Аҳоли сони ҳамда ҳудудий жойлашуви анча тарқоқ ҳолда бўлиб, битта

қишлоқда 60-70 та атрофида аҳоли ҳўжаликлари истиқомат қилишган. Аҳолининг миллий таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари юқори туришган. Бошқа миллат вакиллари мансуб аҳоли вакиллари деярли бу ҳудудларда учрамаган. Аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси яъни уй жой билан таъминланиши, ичимлик суви таъминоти табиий ҳолатда бир қатор қулайликларга эга бўлсада, аммо тиббий хизмат, мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълим олишлари учун мактаб таълими масалаларида бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжуд бўлган[19].

Дарбанд амлоқдорлигига кирувчи қишлоқлар сони ҳам катта бўлиб ҳисобланган. Жумладан: Чамбул, Қапчиғой, Оқмачит, Испандиёр, Кўрғон, Қизилқишлоқ, Бозорсой, Қўшосиё, Бирга-бир, Човди, Ёлғизбулоқ, Кўскак, Чашми, Кўшкак, Ғурум, Сесанги, Кўноқпоя, Тошқалоқ, Қизилкўган, Талли, Титов қишлоқларидан иборат бўлган. Бу қишлоқлар аҳолисининг машғулоти чорвачилик, боғдорчилик ҳамда қисман лалми деҳқончилик ташкил этиб, уларнинг ижтимоий турмуш тарзида асосан табиий равишдаги озик овқат ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[20].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро амирлиги жанубий ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий ва демографик ҳолатида ўзига хос мураккабликлар ҳамда ижтимоий муаммолар мавжуд бўлган. Ижтимоий жараёнлардаги бундай ҳолатлар албатта воҳа иктисодиётининг қоқоқлиги, хусусан, аҳолининг бир ёқлама (деҳқончилик ва чорвачилик) меҳнат ресурслари билан шуғулланиши жараёни билан бевосита боғлиқ эди. Аҳоли демографик ҳолатидаги мавжуд муаммолар яна шу билан боғлиқ эдики, бу даврда аҳоли ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида меҳнат ресурслари янада яхшилаш ишлари етарли даражада олиб борилмади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 196 – 203.
2. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва: Из. Восточной литературы, 1958. – С. 93.
3. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент, 2013. – Б. 338.
4. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва: Из. Восточной литературы, 1958. – С. 72.
5. Махмуд Ибн Вали. Море тайн. –Ташкент: Фан, 1977. – С. 34.
6. Мир Мухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома / . – Ташкент, 1957. – С 214.
7. Абдуррахман-и Тали'. История Абулфейз-хана. – Ташкент: АН УзССР, 1959. – С. 18.
8. Бартольд В.В. Аму-Дарья. – Т. III. Москва: Наука, 1965. – С. 160.
9. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида: Ўзбекистонинг янги тарихи. Т,1-Тошкент, 2000-Б, 44.
10. Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чоррахасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – б 133.
11. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998.С-63
12. Узбекская ССР. Экономика-географические очерки. Госиздат УзССР, 1963. Ташкент. - С. 224.
13. Қабулов Э.Сурхон воҳаси хўжалиги. Т Akademnashr.2012, 84-93 бетлар.
14. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – С. 45.
15. Ўзбекистон Республикаси Миллий Архиви, И-126-жамғарма, 2-рўйхат, 71-иш, 92-варақ.
16. Умаров. И. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (Хатакилар мисолида) .Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2014. - Б.132-134.
17. Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Янги нашр, 2014. – Б.113.
18. Кап. Стеткевичь. Бассейн Каратагдарьи. Военно-статистический очерк. 1889 г. // Сборник геогр. топог. и статист. мат. по Азии. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 172.
19. Ўзбекистон Миллий Архиви, 126-жамғарма, 2-рўйхат, 71-иш, 95-варақ .
20. Ўзбекистон Миллий Архиви, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 5675-иш, 13-16-варақ.
21. Кармишева Б.Х. Очерки, этнической истории южных района Таджикистана и Узбекистана. - М. 1976, - С. 53.